**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**FARG'ONA VILOYATI**
**FURQAT TUMANI**
**HOKIMINING**
**QARORI**

**РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН**
**ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ**
**ФУРКАТСКИЙ РАЙОН**
**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
**ХОКИМА**

«06» 03 2020 yil Navbahor shaharchasi № 186 -sonli

**Тумандаги Шунқор қишлоғида яшовчи тадбиркор Эрматов Жамшидбек Баходиржон ўғлига "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги **""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойихаларини қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 962-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган **"Yoshlar-kelajagimiz"** Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида **"Yosh tadbirkorlar"** коворкинг марказлари ва **"Yoshlar mehnat guzari"** комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида туман захирасидаги ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тумандаги Шунқор қишлоғида яшовчи тадбиркор Эрматов Жамшидбек Боходиржон ўғлига Қўқонбой шахарчаси худудида "Ёшлар мехнат гузари" қурилиши учун ер майдони ажратиш хақидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуркат тумани Шунқор қишлоғида яшовчи тадбиркор Эрматов Жамшидбек Боходиржон ўғлига Қўқонбой шахарчаси худудида туман захирасидаги ер майдонидан "Ёшлар мехнат гузари" комплекси **(савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари)** қуриш учун 0,12 га ер майдони доимий фойдаланиш хуқуқи асосида ажратилсин.

3. Тадбиркор Эрматов Жамшидбек Боходиржон ўғлига "Ёшлар меҳнат гузари" қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

4. Тадбиркор Эрматов Жамшидбек Боходиржон ўғли зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган объект қурилишини 1 йил муддатда қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни камида 5 йил давомида иш билан таъминлаш шарти билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

5. Тадбиркор Эрматов Жамшидбек Боходиржон ўғли ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Б.Абдуллаев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими:** **Д.Ж.Солиев.**

Фурқат тумани Қўқонбой шахарчаси худудида туман захирасидаги ер майдонини “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси қурилиши учун Шунқор қишлоғида яшовчи тадбиркор Эрматов Жамшидбек Боходиржон ўғлига ер майдони ажратиш хақида туман доимий харакатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг

# ДАЛОЛАТНОМАСИ

_____________ 2020 йил Қўконбой шахарчаси.

Бизлар ким, қуйида имзо чекувчилар туман ҳокимининг 2011 йил 12 майдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган туман хокимлиги ҳузуридаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссияси:

Бизлар ким, қуйида имзо чекувчилар туман ҳокимининг 2011 йил 12 майдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган туман хокимлиги ҳузуридаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссияси:

Д. Солиев - Туман ҳокими, комиссия раиси

Р.Хамдамов - Туман хокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари:

Д.Сатабоев - Туман Ер русурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи комиссия котиби

Аъзолари:

-Туман хокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари

О.Эшонқулов - Туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи

Т.Худойбердиев - Туман Санитария Эпидомологик Осойишталик маркази бош врачи

О.Эркабоев - “Худудгаз Фарғона” МЧЖ Фурқат тумани филиали бошлиғи

С.Шамшидинов - Фуркат тумани экология ва атроф мухитни мухофаза қилиш инспекцияси бошлиғи

Б.Тиллаев - Туман Электр тармоқлари идораси бошлиғи

О.Юлдашев - Туман фовқулотда вазиятлар бўлинмаси бошлиғи

У.Гарпиев - Туман Й.Ф.У.К.. бошлиғи

В.Зокиров - Вилоят сув-оқава ДУК Фурқат туман филиали бошлиғи

А.Рахматов - Қўқонбой махалла фуқаролар йиғини раиси

Ж.Эрматов - Аризачи

иштирокида тузамиз ушбу далолатномани шу ҳақдаки, шу куни жойига чиқиб, Қўқонбой шахарчасида “Ёшлар меҳнат гузари” қурилиши учун танланган ер майдони ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури хақидаги ПФ-5466-сонли Фармони ижросини туманда бажариш мақсадида, туманнинг Шунқор қишлоғида яшовчи фуқаро Эрматов Жамшидбек Боходиржон ўғлини аризасини хамда Қўқонбой шахарчасидаги худудидаги туман захирасидаги ер майдонини кўриб чиқиб қуйидаги хулосага келдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури хақидаги ПФ-5466-сонли Фармонининг 3-бандида белгиланган Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “Ёшлар меҳнат гузари” **(савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари)** қурилиши учун 0,12 га ер майдони ажратиш лозим топилди.

**"Ёшлар меҳнат гузари" қурилиши учун танланган ер майдони чегаралари қуйдагича:**

| | |
|---|---|
| Шимолдан | Лойихадаги йўл билан |
| Ғарбдан | Яхшиева Шахлога мехнат гузари учун ажратилган ер майдони |
| Шарқдан | Мавжуд махалла йўли билан |
| Жанубдан | Фуркат МТП АЖ худуди билан |

"Ёшлар меҳнат гузари" қурилиши учун танланган ер майдони архитектура, ёнгиндан сақлаш, санитария ва табиатни муҳофаза қилиш хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли қарори талабларига жавоб беради.

Мазкур далолатномани туман ҳокими қарори билан тасдиқлаш тавсия этилади.

Туман ҳокими, комиссия раиси ____________ Д. Солиев

Туман хокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари ____________ Р.Хамдамов

Туман Ер русурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи. комиссия котиби ____________ Д.Отабоев

Туман хокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари ____________

Туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи ____________ О.Эшонкулов

Туман Санитария Эпидомологик Осойишталик маркази бош врачи бош врачи ____________ Т.Худойбердиев

"Худудгаз Фарғона" МЧЖ Фурқат тумани филиали бошлиғи ____________ О.Эркабоев

Фурқат тумани экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи ____________ С.Шамшидинов.

экспертиза хулосаси олиш шарти билан

Туман Электр тармоқлари идораси бошлиғи ____________ Б.Тиллаев

Туман фовкулотда вазиятлар бўлинмаси бошлиғи ____________ О.Юлдашев.

Туман Й.Ф.У.К.. бошлиғи ____________ У.Парпиев.

Вилоят сув-оқава ДУК Фурқат туман филиали бошлиғи ____________ В.Зокиров

Кўконбой махалла фуқаролар йиғини раиси ____________ А.Рахматов

Аризачи: ____________ Ж.Эрматов

Бинолар ... ёнғинга қарши оралиқ масофа талаблари шарти билан

Фурқат тумани Кўқонбой МФЙ Қзқонбой шахарчаси худудида фуқаро Эрматов Жамшидбекга Ёшлар мехнат гузари ташкил этиб, Савда ва маиший хизмавт кўрсатиш объектлари қуриш учун ажратилган ер майдони жойлашуви

СХЕМАСИ Нисбат 1: 1000




- Фурқат тумани Кўқонбой МФЙ Қзқонбой шахарчаси худудида фуқаро Эрматов Жамшидбекга Ёшлар мехнат гузари ташкил этиб, Савда ва маиший хизмавт кўрсатиш объектлари қуриш учун ажратилган ер майдони

Фурқат тумани қурилиш бўлими бошлиғи: О.Эшонқулов.

Фурқат тумани Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи: Д.Отабоев .

Фурқат тумани Шунқор қишлоғида яшовчи тадбиркор Эрматов Жамшидбек Боходиржон ўғлига Қўқонбой шахарчаси худудида “Ёшлар мехнат гузари” қурилиши учун ажратилган ер майдони жойлашуви

СХЕМАСИ Нисбат 1: 1000




- Шунқор қишлоғида яшовчи тадбиркор Эрматов Жамшидбек Боходиржон ўғлига Қўқонбой шахарчаси худудида “Ёшлар мехнат гузари” қурилиши учун ажратилган ер майдони

Фурқат тумани қурилиш бўлими бошлиғи : О.Эшонқулов.

Фурқат тумани Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи: Д.Отабоев .